

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2024 йил 11 март куни Тошкент вилояти жиноят ишлари бўйича Бўка туман суди, Бўка туман суди биносида, очиқ суд мажлисида

Навоий вилояти жиноят ишлари бўйича Қизилтепа туман суди билан видеоконференцалоқа тизими орқали

раислик қилувчи Ш.Абдуқодиров,

судья ёрдамчиси Ш.Абдувалиевнинг котиблигида, тарафлардан Бўка туман прокурорининг ёрдамчиси А.Маликов,

судланувчи **Б.Ш.Б.** ва **жабрланувчининг қонуний вакили Ў.Ш.**ларнинг иштирокида,

Б.Ш.Б.га нисбатан **1-1105-2401/42**-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Б.Ш.Б. - **03.03.19...** йилда Қашқадарё вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, ўрта-махсус, оилали, юк автомашинаси ҳайдовчиси, муқаддам судланмаган, Қашқадарё вилояти, ... тумани, ... м.ф.й., ... кўчаси ... уйда истиқомат қилувчи, **айблов хулосаси** нусхасини олган, иш бўйича эҳтиёт **“гаров”** эҳтиёт чораси қўлланилган,

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси **266-моддасининг 2-қисми** билан айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг қонуний вакилининг кўрсатувларини тинглаб, дастлабки тергов жараёнида, судда тўпланган далилларни текшириб ва муҳокама қилиб, жиноят ишидаги ҳужжатларни таҳлил қилиб, тарафларнинг музокаралари ва судланувчининг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Судланувчи **Б.Ш.Б.** 2024 йил 17 январь куни соат 18:00да Бўка тумани “...” МФЙ ҳудудидан ўтган “Оҳангарон-Бўка-Гулистон” автомобиль йўли 72 км.да ўзига тегишли давлат рақами бўлган “.....” русумли юк-транспорт воситасида қатнов йўлини ... йўналишида “Гулистон-Бўка-Оҳангарон” йўли бўйлаб ҳаракатланиб кетиш давомида амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 11-банди “г” қисми, яъни “Транспорт воситасининг ҳайдовчиси қуйидагиларга мажбурдир: ... 2) ҳаракатланиш жараёнида бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларига, айниқса, пиёдалар, болалар, ногиронлар, қарияларга ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши” ва 77-банди 3-қисми, яъни “ҳайдовчи транспорт воситасини бошқариш пайтида аниқлай олиши мумкин бўлган хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини тўлиқ тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни



бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак” талабларини бузиб, ўзига нисбатан қатнов йўлини чап томонидан ўнг томонга пиёда юрган ҳолатда кесиб ўтаётган жабрланувчи С.Ў.ни уриб юбориб, йўл-транспорт ҳодисаси содир этган.

Натижада пиёда С.Ў. оғир турдаги тан жароҳатлари олиб, шифокорлар томонидан кўрсатилган тиббий ёрдамга қарамасдан вафот этган.

Ўтказилган суд-тиббий экспертизанинг **20.01.2024** йилдаги **8**-сонли хулосасига кўра, **С.Ў.**га оғирлик даражасига кўра **“Оғир”** даражадаги шикаст етказилганлиги ва ушбу тан жароҳати унинг ўлимига сабаб бўлганлиги кўрсатилган.

Бўка тумани ИИБ ЭКГнинг **09.02.2024** йилдаги судга оид транспорт воситасининг техник ҳолати ва йўл-транспорт ҳодисаси механизми экспертизасининг **70-71**-сонли хулосасига кўра: кўздан кечириш вақтида “.....” русумли давлат рақам белгиси бўлган юк бўлган транспорт воситасининг ишчи тормоз тизими, юриш қисми ҳамда рул бошқаруви, техник жиҳатдан ишга яроқли ҳолатда эканлиги, ташқи ёритиш чироқлари эса техник жиҳатдан ишга яроқсиз ҳолатда эканлиги, “.....” русумли, давлат рақам белгиси бўлган юк бўлган транспорт воситасининг ташқи ёритиш чироқлари (олди чап фара чироғи)даги техник носозлик қарорда келтирилган йўл-транспорт ҳодисаси вақтида юзага келгани, бажарилган амаллар натижасида 2002 йилда туғилган пиёда, “.....” русумли давлат рақам белгиси бўлган юк транспорт воситаси ҳайдовчисининг кўриш доираси худудида бўлган автомобиль қатнов йўлининг чап томонидан ўнг томонга яъни, тўқнашув нуқтасига қадар 7,4 метр масофага ўртача, 4,6 км/соат тезликда ўртача юриб ҳаракатланган вақтда воқеа жойида 60 км/соат тезликда ҳаракатланган “.....” русумли, давлат рақам белгиси бўлган юк транспорт воситаси воқеа жойидан тезликларга мос равишда 96,5 метр узоқлик масофада бўлгани, қарорда келтирилган йўл-транспорт ҳодисаси шароитида ҳайдовчи “.....” русумли, давлат рақам белгиси бўлган юк транспорт воситасида 60 км/соат тезликда ҳаракатланиш жараёнида ўзига нисбатан шу йўналишида олдинда ўртача тезликда ҳаракатланиб, хавф сифатида қатнов йўналишини чап томонидан ўнг томонига кесиб ўтаётган 2002 йилда туғилган пиёдани дастлаб, 80 метр узоқлик масофасидан кўрган вақтида “.....” русумли, давлат рақам белгиси бўлган юк транспорт воситасини ўз вақтида кескин тормозлаш йўли билан **йўл-транспорт ҳодисасини олдини олиш учун техник имкониятига эга бўлгани,** қарорда келтирилган йўл-транспорт ҳодисаси шароитида ҳайдовчи “.....” русумли, давлат рақам белгиси бўлган юк транспорт воситасида 60 км/соат тезликда ҳаракатланиш жараёнида, ўзига нисбатан шу йўналишида олдинда ўртача тезликда ҳаракатланиб, хавф сифатида қатнов йўналишини чап томонидан ўнг томонига кесиб ўтаётган 2002 йилда туғилган пиёдани дастлаб, 80 метр



узоқлик масофасидан кўрган вақтида, “.....” русумли, давлат рақам белгиси бўлган юк транспорт воситасини ўз вақтида кескин тормозлаш йўли билан йўл транспорт ҳодисасини олдини олиш учун техник имкониятига эга бўлгани, қарорда келтирилган йўл транспорт ҳодисаси ҳолати ўтказилган тадқиқотлар ҳажмида кўриб чиқилса “.....” русумли, давлат рақам белгиси бўлган юк транспорт воситаси ҳайдовчисининг ҳаракатлари амалдаги "Йўл ҳаракати қоидалари"нинг 11-банди г-қисми ҳамда 77-банди 3-қисми талабларига зид бўлгани кўрсатилган.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган **Б.Ш.Б.** айбига **тўлиқ** иқрорлик билдириб, 2019 йилда давлат рақам белгиси бўлган “.....” машинасини сотиб олиб, шу кунга қадар бошқариб келишини, бу машинани ҳужжатлари ҳам уни ўзининг номига расмийлаштирилганини, ҳозирда бу машинада юк ташиш билан шуғулланиб келиб, водийга қўй олиб кетаётган бўлганлигини, 2024 йил 17 январь куни соат тахминан 11-30ларда уйдан чиқиб, акасига тегишли бўлган 25 бош қўйларни ортиб, уларни Наманган вилояти, Тўрақўрғон туманига харидорга ташлаб келиш мақсадида маҳаллада яшовчи таниши О.Р. билан бирга йўлга чиққанини, сабаби йўл узоқ бўлиб, чарчаб қолган вақтида алмашиб бориб келиш учун бирга йўлга чиққанини, унга ҳам машинани бошқариш ҳуқуқини берадиган ҳужжатларни расмийлаштириб берганини, Тошкент вилояти Бўка туманига кириб келган вақтга қадар машинани Олмос бошқариб келиб, Сирдарё вилояти билан Бўка тумани чегарасига яқин жойда шериги чарчаганидан сўнг бошқаришни ўзи олганини, О.Р. машинани йўловчи ўриндиғида бўлиб ўзаро гаплашиб ҳаракатни давом этганини, бошқарувида бўлган машинада ҳаракатланиб келиши давомида Бўка туманига ўтган вақтида, автомобиль йўлини таъмирлаш ишлари кетаётганини ва ўзини йўналишида кейинги ҳаракатни қарама-қарши томонга янги асфальт қилинган йўналишда давом эттириши кераклигини белгилаб берган йўл белгисини кўриб, Гулистон йўналишига ўтиб ҳаракат қилганини, ҳаракат қилган йўналишда бошқа машиналар ҳам ҳаракат қилишганини, машинани тахминан 60 км/соат тезликда бошқариб ҳаракатланишини, ҳаракатланиб кетиши давомида, ўзига нисбатан шу йўналишни чап марза қисмида енгил турдаги машинани тўхтаганлигини, тахминан 80 метрлар масофада кўрганини ва ўз йўналишида бўлганини, сабабли ҳаракатни давом этганини, машинадан тушган бир нафар пиёда юрган ҳолатда йўлни тўғри томонига кесиб ўтишни бошлаган вақтда уни кутиб турса керак деб ўйлаб ҳаракатни давом эттирганини, лекин пиёда ҳам у келаётган бўлсада, ҳаракатни тўхтатмаганидан сўнг орасидаги масофа тахминан 60 метр қолган вақтида, машина сигналини бериб, унга тўхташ ишорасини қилганини, сигнал берганидан сўнг пиёда ҳаракат қилиб келган нуқтасида тўхтаб қолганини, машина тормозини босиб, ҳаракатни тўхтатишга уринсада, машина тўхтамасдан ҳаракатни давом



этганидан сўнг ўзига нисбатан қатнов йўлини марказида жойлашган бетон девор томонга буриб, машинани деворга урган ҳолатда тўхтатишга уринганини, лекин машина тўхтамасдан ҳаракатни давом қилганидан сўнг яна ўз йўналишига рулни бурган вақтида машинани олд чап бурчак қисми билан йўлда тўхтаб турган пиёдани уриб юборганини, уни уриб юборганидан ҳам сўнг озгина ҳаракатланиб кейин тўхтаб машинадан пастга тушганини, бу пиёдани уриб юборган вақтида, йўл четига учиб кетган пиёда олдига бормоқчи бўлганини ва уни қимирлаб ётганини кўриб, олдига бориб, ёрдам қилишни бошлаганини, уни шифохонага олиб бориш мақсадида йўловчи машинасини тўхтатиб, машинага чиқариб, ўзи туман шифохонасига олиб борганини, бу ерга келган вақтида уни вафот қилганини шифокорлардан эшитганини, шундан сўнг бу ерга туман ИИБ ходимлари келиб, ундан ҳолатни суриштириб, мастлик ҳолатини текшириб кўришиб, биргаликда ҳодиса содир бўлган жойга боришганини, бу ерда эса уларга бўлган ҳолатни барчасини айтиб берганидан сўнг ўзини иштирокида икки нафар холис билан ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириб чизма чизишганини, бу жараёнда ўзи тўлиқ иштирок қилганини ҳамда ҳужжатлар билан танишиб чиқиб, уларни имзолаб берганини, айбини тўлиқ тан олишини, марҳумни оиласига қўлидан келган барча ёрдамни беришини, унга нисбатан қонунда белгиланган тартибда енгиллик берилишини сўрашини, уни ўзи ва шеригига ҳам бирон-бир тан жароҳати етказилмаганини, фақат машинани олд чап томон чироқлари шикастланганини, тергов жараёнларида тўлиқ ўз вақтида иштирок этишини, у ва оила аъзолари вафот этган С.Ў.ни оиласига қўлдан келган даражада ёрдам қилиш учун йиғинларига беришга 10 млн. сўм олиб борган вақтида бу пулларни олишни истамасдан рад жавобини бериб, 150 миллион сўм миқдоридаги пулларни берса даъвоси йўқлигини айтишлари мумкинлигини айтишганини, лекин уларни бунча пул маблағлари йўқлиги сабабли талаб қилиб сўраган пулини бериш имкони бўлмаганини, С.Ў.ни дадасини ўзи билан бу масалада бир неча маротаба дадаси мулоқот қилганини, 2024 йил 09 февраль куни Бўка тумани ИИБда Ў.Ш. билан гаплашиб, унга 20 млн. сўм миқдоридаги пулларни шу кунга қадар йиғинларга ишлатган пулини қоплаш мақсадида берган вақтида, дастлаб қабул қилиб олиб, бироз вақт ўтиб, яна пул сўраган вақтида, ҳозирги кунда бошқа пул маблағлари йўқлигини, лекин бундан кейинги барча харажатларини қоплаб беришини айтган вақтида ҳам рад жавобини қилиб пулни олиб орадан 30 дақиқа вақт ўтиб қайтариб беришганини, бундан кейин ҳам бу пулларни Ўткир акага беришга тайёрлигини, кейинги барча йиғинларни ҳам ўтказиб беришни ўз зиммасига олишини, лекин улар аниқ бир гап айтмасдан келаётганини, машинада бирон бир техник томонлама нуқсонларини сезмаганини, машина техник жиҳатдан соз ҳолатда бўлганини, машинани хушёр ҳолатда бошқариб келаётганини, умуман чарчоқ ҳолати бўлмаганини,



сабаби бу ҳолат бўлишидан 20 дақиқа аввал машинани бошқарувини шеригидан қабул қилиб олганини, қарама-қарши йўналишдаги машиналар чироқлари ҳам кўзини қамаштирмаганини, ҳозирда жабрланувчининг қонуний вакилидан кечирим сўрашини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, бу каби ҳолат бошқа такрорланмаслигини, моддий зарарни тўлиқ қоплаганлигини баён қилиб, суддан унга нисбатан енгиллик беришни сўраб кўрсатувлар берди.

Судланувчи **Б.Ш.Б.** айбига **тўлиқ** иқрорлик билдирган бўлса-да, унинг ушбу жиноятларни содир этганликдаги айби қуйидагилар билан ўз исботини тўлиқ топади.

Суд мажлисида **жабрланувчининг қонуний вакили** тариқасида сўроқ қилинган **Ў.Ш.** чорвачилик фермер хўжалигида ишчи бўлиб ишлаб куни билан чорваларга қараб, кечқурун ҳам ишда бўлиб иссиқхонасида ишлашини, ўғли 2002 йилда туғилган С.Ў. юк ташлайдиган фирмада ҳайдовчи бўлиб ишлаб буюртма асосида Республиканинг ҳар бир вилоятига бориб келиб туриб, бу ерда тахминан бир ярим йилдан буён меҳнат қилиб келишини, оилада ўғли ва у ишласа аёли уй бекаси, қизи эса мактабда таҳсил олиб келишини, 2024 йил 16 январь куни ҳам ўғли ишхонасига тегишли бўлган юк машинасида Самарқанд вилоятидан юк олиб кетганини, 17.01.2024 йил куни аёлига ўзини Бўка тумани ИИБ ходими деб таништирган ходим кўнғироқ қилиб, ўғли С.Ў.ни Бўка туманида йўл-транспорт ҳодисасига учраганини ва вафот этганини, ҳозир шифохонада эканлигини айтганидан сўнг бироз вақт ўзига келиб, йўлга чиқиб келганини, 18.01.2024 йил куни ўғлини экспертизадан олиб, уйга олиб кетиб йиғинларини ўтказганини, ўғлини Бўка туманидан бошқа шериклари билан юк машиналарида кетаётган вақтида, шеригини бошқарувда бўлган машина бузилиб қолганини ва унга ёрдам қилиш учун ўзини ёнида бўлган шериги билан ортга қайтиб келиб, йўлни кесиб ўтаётган вақтида, бошқа юк машинаси келиб уриб юборганини эшитиб билганини, ҳозирги кунда судланувчига нисбатан ҳеч қандай ҳақи даъвоси йўқлигини, судланувчига нисбатан қонуний енгиллик беришини, судланувчига нисбатан моддий ва маънавий зарар бўйича даъвоси йўқлигини, моддий зарар қопланганлигини, судланувчи унга ва оила аъзоларига моддий ёрдам бериб келаётганлигини баён қилиб, судланувчига қонун доирасида енгиллик беришни ва унга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган енгилроқ жазо тайинлашни сўради.

Суд мажлисида тарафларнинг розилиги билан судга келмаган **гувоҳ М.С., О.Р. ва Б.Ғ.лар**нинг дастлабки тергов даврида берган кўрсатувлари ўқиб эшиттирилди.

Юқоридагилардан ташқари судланувчи **Б.Ш.Б.**нинг ушбу жиноятни содир этганликдаги айби жиноят ишидаги билдирги, ҳодиса содир бўлган жойини чизмаси ва фотосурати, тушунтириш хатлари, суд-тиббий экспертиза хулосаси, судга оид транспорт воситаларнинг техник ҳолати



экспертиза хулосаси ва таништириш баённомаси ҳамда бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан ўз тасдиғини тўлиқ топади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, суд судланувчи **Б.Ш.Б.**нинг жиноий ҳаракатлари дастлабки тергов органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 266-моддасининг 2-қисми, яъни *“транспорт воситасини бошқарувчи шахс томонидан транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш одам ўлишига сабаб бўлиши”* жиноят белгилари билан тўғри квалификация қилинган деб топади.

Суд, **Б.Ш.Б.**га нисбатан жазо тайинлашда судланувчини айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, ёшлигини, оилавий ва моддий шароитини, оилали бўлиб, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари ва турмуш ўртоғи борлигини, оиласининг ягона боқувчиси эканлигини, муқаддам судланмаганлигини, иш бўйича жабрланувчи қонуний вакилининг унга нисбатан моддий ва маънавий зарар бўйича даъвоси йўқлиги ва енгиллик бериш ҳақидаги илтимосини, моддий зарар тўлиқ қопланганлигини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 55-моддасига кўра жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолайди, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар аниқланмади.

Шунингдек, суд судланувчи **Б.Ш.Б.**га жазо тури ва миқдорини танлашда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини эътироф этган ҳолда, шу билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7,8-моддаларида кўрсатиб ўтилган одиллик ва инсонпарварлик тамойиллари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги **“Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”**ги 1-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, шунингдек, судланувчини айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, ёшлигини, оилавий ва моддий шароитини, оилали бўлиб, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари ва турмуш ўртоғи борлигини, оиласининг ягона боқувчиси эканлигини, муқаддам судланмаганлигини, иш бўйича жабрланувчи қонуний вакилининг унга нисбатан моддий ва маънавий зарар бўйича даъвоси йўқлиги ва енгиллик бериш ҳақидаги илтимосини, моддий зарар тўлиқ қопланганлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг **266-моддаси 2-қисми** санкциясида назарда тутилган муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, озодликдан маҳрум қилиш жазо турини тайинлашни ҳамда судланувчини тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтамасдан туриб ҳам унинг хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин деган қатъий фикрга келган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 72-моддасига асосан шартли ҳукм қўллашни лозим топади.



Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарори 30-бандининг 4-хатбошида “Судланганга жазони ўташ колония тури жиноятлар мажмуи бўйича узил-кесил жазо белгилангандан кейингина тайинланади. Агар шахс жазони ўташдан озод қилинган ёки синов муддати белгиланган ҳолда шартли ҳукм қилинган бўлса, жазони ўташ колония тури тайинланмайди” деб тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 45-банди биринчи хатбошисида “Жиноят кодексининг 45-моддасига мувофиқ айбдор ўзи эгаллаган лавозим ёки хизмат фаолияти билан бевосита боғлиқ ҳолда жиноят содир этган ҳар бир ҳолда, суд, жиноятнинг хусусиятидан келиб чиқиб, маҳкумни у ёки бу мансабни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш масаласини муҳокама қилиши шарт” эканлиги белгиланган.

Суд, судланувчи **Б.Ш.Б.** мазкур жиноятни йўл ҳаракати қоидаларига амал қилмаганлиги оқибатида содир қилинганлигини ва келгусида уни транспорт воситалари билан боғлиқ жиноят содир этиши мумкинлигини инobatга олиб, унга нисбатан муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, яъни транспорт воситаларини бошқаришни тақиқлашни лозим топади.

Шунингдек, суд манфаатдор тарафларга моддий ва маънавий зарарни ундириш юзасидан фуқаролик тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтиришни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460-463, 465-468, 472-473-моддаларига мувофиқ, суд ҳукм қилади,

ҲУКМ

Б.Ш.Б. - Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси **266-моддасининг 2-қисми** билан айбдор деб топилсин ва унга мазкур модда билан **1 (бир) йил** муддатга муайян ҳуқуқдан, яъни транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, **4 (тўрт) йил** муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Б.Ш.Б.га тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси бўйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 72-моддасига асосан **1 (бир) йил** синов муддати белгилансин.

Синов муддати ҳукм чиқарилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Шартли ҳукм қилинган судланувчига яшаш жойи жойи ўзгариб қолса, бу ҳақда шартли унинг хулқи устидан назорат олиб борувчи органга хабар бериб туриш, яшаш хонадонини соат 23:00дан 6:00га қадар тарк этмаслик, ҳар ойнинг 15 санасида бу органларда рўйхатдан ўтиб туриш, алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилиш мақсадида кафе,



ресторан, бар ва спиртли ичимликлар қуйиб сотувчи жойларга бормаслик мажбуриятлари юклатилсин.

Судланувчининг хулқи устидан назорат олиб бориш унинг яшаш жойидаги туман ИИО Пробацяя бўлими зиммасига юклатилсин.

Судланувчининг хулқи устидан назорат олиб борувчи органнинг тақдими билан суд синов муддати давомида унга юклатилган мажбуриятларнинг ҳаммасини ёки бир қисмини олиб ташлаши ёки унинг зиммасига янги мажбуриятлар юклаши ҳам мумкинлиги тушунтирилсин.

Судланувчи синов муддати давомида суд унга юклатилган мажбуриятларни бажармаса ёхуд жамоат тартиби ёки меҳнат интизомини бузганлиги учун унга маъмурий ёки интизомий таъсир чораси қўлланилган бўлса, суд унинг хулқи устидан назорат олиб борувчи орган тақдимномасига биноан жазонинг шартлилигини бекор қилиб, ҳукмда тайинланган жазони ижро этиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилсин.

Б.Ш.Б.га нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин ва гаров тариқасида топширилган **10.000.000 сўм** пул маблағлари тегишли тартибда гаровга қўювчи **Б.Ш.Б.**га қайтариб берилсин.

Манфаатдор тарафларга етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш масаласида фуқаролик тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 29-моддасининг 5-қисмида жиноят учун ҳукм қилинган ҳар ким қонунда белгиланган тартибда ҳукмнинг юқори турувчи суд томонидан қайта кўриб чиқилиши ҳуқуқига, шунингдек афв этиш ёки жазони енгиллаштириш тўғрисида илтимос қилиш ҳуқуқига эга.

Ҳукмдан норози тарафлар, ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб **ўн** сутка ичида, судланувчи ва фуқаровий даъвогар эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб шу муддат ичида Тошкент вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида протест ёки шикоят билдиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи: имзо

Нусхаси аслига тўғри, судья:

Ш.Абдуқодиров

